

Б. Ғ. Жабборов

РАНГШУНОСЛИККА
ОИД АЙРИМ АТАМА ВА
ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тузувчи: Б.Ф. Жабборов

**Рангшуносликка
оид айрим атама ва
ибораларнинг**

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

«Наманган» нашриёти

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тузувчи: **Жабборов Ботир Гуломович**, Ўзбекистон
Бадий Академияси Ижодкорлар уюшма-
си аъзоси, санъатшунос.

Такризчилар: **Б.Орипов**, НамДУ, педагогика фанлар
номзоди, доцент. Ўзбекистон Бадий
Академияси Ижодкорлар уюшмаси аъзоси

М.Саидова, Филология фанлари номзоди,

профессор

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi**

Наманган давлат университети «Тасвирий санъат» кафедраси-
нинг 1999 йил 19 мартдаги йиғилиши (4-сон баённома), «Санъатшунос-
лик» факультети ўқув-услубий кенгашида 1999 йил 29 март йиғилиши
(4-сон баённома), университет ўқув-услубий кенгашининг 1999 йил
21 май йиғилиши (10-сон баённома)да кўриб чиқилган ва нашрга тавсия
қилинган.

НГ $\frac{159-273,50-341.50}{160-1,0-(05)-01}$ 2001 йил

СУЗ БОШИ

Рангшунослик ўқув предмети Олий ўқув юртларининг «Бадий-графика» факультетларида ўтиладиган мутахассисликлар фанлари ичида энг асосийларидан бири ҳисобланади. Бироқ, Республикамиз мустақилликка эришгунига қадар бу фанга деярли эътибор берилмади. Натижада эса рассомлар рангларга боғлиқ атамаларни қадимий ва бой тарихимизга ёт бўлган рус тилида юрита бошладилар.

Мустақиллик шарофати билан рассомлар ижодида ҳам ҳақиқий эркин ижодий услуб, оқим ва йўналишлар юзага келдики, бунда рассомлар ўзгарувчан, рамзий ва ҳаёлот руҳига йўғрилган асарлар ярата бошладилар. Буларни ўрганиш, таҳлил қилишда санъатшунослик олдида кўплаб муаммолар юзага келди. Бундай муаммолардан бири рассом асарларининг рангий ифодаси таҳлилида ўз аксини топмокда. Шунинг учун ҳам муаллиф ранглар билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал қилиш, ўқув юртларида ўқитиладиган рангшунослик фанига оид ибора ва атамаларнинг изоҳли луғатини яратиш билан ҳам боғлиқ деб ҳисоблаган ҳолда мазкур луғатни тузди.

Ушбу луғат санъат ўқув юртлари талабалари ва ўрта умумтаълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчиларига мўлжалланган. Шунингдек, ушбу луғат рангшунослик билан қизиқувчилар учун ҳам ўзбек тилидаги илк манба бўлиб хизмат қилади.

Луғатни тузишда С.С.Булатов ва М.О.Ашировалар томонидан тузилган «Амалий санъат қисқача луғати»,

А.Р.Умаров ва М.Аҳмедовларнинг, «Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати» асарларидан намуна сифатида фойдаланилди.

Луғатда рус тилидан олинган атамалар ва ибораларни сўзма-сўз таржима қилиб, таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, балки атамаларнинг ҳақиқий маъносининг изоҳини беришга ҳаракат қилинди.

Мазкур изоҳли луғат шу соҳадаги дастлабки уринишлардан бири бўлганлиги боис, айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Шунинг учун луғат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, танқидий фикрларни, таклиф ва истакларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади. Аминмизки, келгусида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида луғатни келажакда янада бойитади.

РАНГШУНОСЛИК ФАНИ УЧУН АТАМАЛАР ВА ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

-А-

- Ақиқ (ағат)** - турли рангларда жилваланувчи қимматбаҳо тош. Кўкиш кулранг, кулранг ва оқ бўлади. Кўриниши товланувчан, камалаксимон, булутсимон ва шу каби бўлади. Тасвирий санъатда ранг номини ҳам англатади.
- Абриз** - чегара чизик, лотографияда, нақш кўчиришда, калка, плор ва бошқа ўта юпка материалларга туширилади.
- Абстракционизм** - маъхум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.
- Автопортрет** - рассомнинг ўз-ўзини ишлаган тасвири.
- Академизм** - академик услубга оид бадиий йўналиш.
- Акварель** - (французча-aquarelle, лотинча-aqua-сув) сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёқ.
- Акватинта** - Италияча - aquatinta яъни, «aquaforte - офорт ва tinto – бўялган», сирланган деган маънони англатади. Гравюранинг бир тури.
- Актив ранглар** - руҳни тетиклаштирувчи илиқ ранглар.
- Алая – прима** - бирламчи тасвир. Бир нафасда, қисқа вақт ичида яратиш усули, йўли. Кўпинча этюд ишлашда ва хомаки нусха ва тасвирлар ишлашда қўлланилади.

- Альфреско** - нам шувок устига сувда корилган бўёқлар билан ишланадиган тасвир.
- Ангоп** - сопол устига суртиладиган пардоз бўёғи, қизил лой, жўша, гилвата.
- Анилин** - нил бўёқ, бўёқ моддаларини тайёрлаш учун ишлатиладиган рангсиз, ёғли ва заҳарли суюқ модда
- Анимал – жанр** - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.
- Анор – ранг** - ранг тури, анор гули ранги.
- Арабеска** - геометрик шакллар, гуллар ва араб ёзуви воситасида яратиладиган нақшнинг бир тури.
- Архитектоника** - мутаносиблик.
- Асосий ранглар** - табиатда мавжуд сариқ, қизил ва ҳаво ранг.
- Асфар (асфармай)** - сариқ ранг. Навоий ижодида тиниклик, хурсандчилик, олижаноблик рамзи сифатида ҳам қўлланилади.
- Атребутсия** - асарнинг ким томонидан, қачон, қаерда яратилганлиги ва бошқа шу каби белгиларини аниқлаш.
- Ахзар** - яшил ранг, зумрад ранг Хизр сўзининг ўзи ҳам арабча бўлиб, «яшил», «яшил бўлиш» маъноларини англатади. Яшил ранг суфийлик таълимотида улуғ ранглардан бири ҳисобланади. Шарқ халқларининг тасавурида бу ранг ҳаёт рамзидир. У самовий мавжудотлар билан боғлиқ ҳисобланади.

Ахроматик ранг - грекча туссиз (рангсиз) демакдир. Улар ок ва қора ҳамда уларнинг турлича кўриниши бўлиб, бир-бирларидан ёруғлик кучлари билан фарқ қилади.

Ахроматик сирт - ўзида муайян ранг тусларини акс эттирмайди. Сиртлар бир-биридан фақат ёруғлик кучлари, туслари ва ёруғликни ютиш даражалари билан ажралиб туради.

Аэрограф - картон, холст ва қоғоз юзасига рангларни сиқилган ҳаво ёрдамида сочувчи асбоб.

-Б-

Бадий -борликни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларни ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва рангто-ранг тасвирлаш.

Бадий услуб - санъатда қўлланиладиган услуб.

Безак -нарс ва жойларни рассомлар томонидан бадий қилиб безатиш белгиси.

Безатилган -безакли, зийнатланган, нақшланган, нақшпикор.

Биллурий - ранг тури.

Бинафша - спектр ранги, бинафша рангига яқин ранг.

Бир вақтдаги қарама-қаршилиқ - ёруғлик кучи ва тусларини кўшни, ёнма-ён қўйилган рангларга боғлиқ ҳолда ранг ўзгариши.

Бисквит - глазур билан қопланмаган чинни. Кичик ҳажмли ҳайкалтарошлиқда қўлланилади.

Блик

- нарсаларнинг энг ялтирок, шаффоф жойи.

Бўёқлар

- бўяш, ранг бериш, тасвирлаш учун ишлатиладиган модда. Мойли, сирли, нафис ва бошқа турлари бор. Рассомлик, наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги ва кулолчилик каби тасвирий санъатнинг барча турларида кенг қўлланилади. Бўёқлар ўзига хос хусусиятлари, ранги ва ишлаш услуби билан фарқланади.

Бўёқчи

- ранг берувчи уста, жун, ип, ипак, сунъий тола ва бошқалардан тайёрланган калава, газлама кабиларни ҳар-хил рангга бўяйди. Меъморликда эшик-деразалар, имораг деворлари, метал буюмлари ва бошқаларни бўёвчиларни ҳам бўёқчи деб юритилади.

Бўёқчилик

- бўяш касби.

Бўяш

- ранг бериш мақсадида амалга ошириладиган физик-кимёвий ва механик жараён:

1). Толали материаллар (ип, жун, ипак, сунъий тола ва бошқалар) ёки улардан тайёрланган буюмлар (газлама, холст, калава) га ранг бериб органик бўягичлар, локлар ва бошқа бўёқ моддалар ишлатилади. Бўягичларнинг ва бўялувчи материалларни кимёвий хоссаларига қараб ҳар хил бўяш усуллари қўлланилади.

2). Турли сиртларга (ёғоч буюмлар, тунука томлар, поллар, эшик деразалар, метал буюмлар ва бошқалар) бўёқ суркаш. Бўёқ сиртларга пуркагичлар, бўяш аппаратлари, қилли чўткалар, резина роликлар билан суркалади.

-В-

Валёр - ранг туси, ранг оҳанги деган маънони билдиради.

Ван Дейк - жигарранг. Уни ихтиро этган XVII аср машҳур голланд рассоми Ван Дейк номига мансуб бўлиб, одатда уни жигарранг деб айтмасдан Ван Дейк деб ҳам юритилади.

Ватман - рассомлик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.

Витраж - (Французча Vitrage ва лотинча Vitrum-ойна) рангли ойна, шишадан ишланган тасвир. Шарқда қашқар ойна ҳам деб юритилган.

-Г-

Гавҳар - бриллиант - сунъий қирраланган ва сайқал берилган тош. Унинг ўзига хос хусусияти қирраларига тушган нур турли камалак рангларига парчаланиб товланади. Амалий санъатнинг заргарлик, кандакорлик, зардўзликда тож ва китобларни, қурол дасталарини безашда ишлатилади. Рангшуносликда эса ранг тури ҳисобланади.

Гамма - ораларида муайян муносабат бўлган ранглар сираси, рангларнинг шартли тизмаси.

Гармония - (лотинча Harmony) - боғлиқлик, мунтазамлик, муганосиблик, рангларнинг уйғунлиги, бир-бирига мос келиши.

Гемма - бўртма тасвир, муҳр, геометрик нақш,

геометрик унсурлардан ташкил топган нақш.

- Глазурь** - сир, сир бўёк.
- Гобилен** - суратли гилам.
- Гравер** - металл, тош, ёғочга ўйиб расм ишлайдиган ёки нусха кўчириш учун мўлжалланган тасвирни тайёрловчи рассом.
- Гризайль** - (Французча - grizaille, griz-кулранг) кулранг ёрдамида, бир рангнинг ҳар хил туслари орқали ишланган тасвир. Кўпинча, жигарранг, тўқ зангори, қизғиш тусларда ишланади.
- Гротекс** - одамлар ёки нарсаларни киши ишонмайдиган тарзда ифодалаш, яъни жуда хунук, кулгили қилиб тасвирлаш.
- Грунт** - замин, тасвир замини. Маго (холст) ёки деворларга рангли тасвир, декоратив безак ишлашдан олдин қопланадиган қорихма. Грунт алиф мой, дурадгорлик елими ёки сув эмульсияси бўлиши мумкин.
- Грунтовка** - тасвир заминини тайёрлаш.
- Гуаш** - елим ва ранг пигменти ҳамда оқ бўёқ аралаштириб тайёрланадиган, сувда эритиладиган бўёк. Ранг тасвир, бадий безак, наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳамда графикада кенг кўламда ишлатилади.
- Гулгун** - (шафакгун, ёқутфом, лаълранг) қизил ранг. Бу ранг бир томондан қонли кураш, изтироб ва ҳалокат рамзини англатса, бошқа томондан ғалаба, хурсандчилик, ўйин кулгу ва тел-

балик маъноларида ҳам ишлатилади.

Гуммигут

- 1). Иссиқ мамлакатлардаги баъзи дарахтлардан олинадиган ва сариқ бўёқ учун ишлатиладиган шира.

2). Шу ширадан тайёрланган бўёқ.

Гуммилак

- қизил тусли смола, ундан коррозиядан сақлайдиган изоляция лаки олинади.

-Д-

Дастгоҳли санъат

- тасвирий санъатнинг бир тури, санъат асарларини махсус дастгоҳларга ўрнатиб қўйиш, ишлангандан келиб чиққан.

Деворий рангтасвир

- кўпинча деворларга, катта ўлчовда ишланадиган тасвирлар.

Десюдепорт

- эшикнинг тепасига ишланган рангтасвир ёки ҳайкалтарошлик асари.

Дизайн

- (инглизча – design – лойиҳалаш, чизиш) кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, ки-йим-кечак, асбоб-уқсуна, идиш-товоқ, мебель ва шунга ўхшаш нарсаларни қулай, чиройли шакл ва рангини, янги шамоийлини яратиш санъати.

Диорамма

- ёйсимон ёки ёй шаклида ишланган рангтасвир асари.

Диптих

- қўштасвир, қўш-лавҳа. Иккита асарнинг ёнма-ён бир мавзу асосида ишланган ҳолати.

Драпировка

- фон учун ишлатиладиган ҳар хил рангли материаллар, газламалар.

**Дурадгорлик
елими**

- ёғоч бўлақларини бир-бирига ёпиштирувчи, бирлаштирувчи модда: гўшт ва суяқлардан турли хил усулларда тайёрланади. Елимлар тиник сарғиш ёки қорамтир рангда бўлади. Рассом-ликда холст юзасини ишлов беришда, замин тайёрлашда фойдаланилади.

-Ё-

Ёкут

- минерал (корунд)нинг оддий оксидлар син-фига мансуб шаффоф тури, қимматбаҳо тош. Туркибидаги хром аралашмаси унга пуштидан тўқ, қизилгача ранг беради. Қадимдан заргарлик, пичоқчилик, кандакорликда ишлатилган. Рангтасвирда пушти ранглар ичида энг тиник, тозасига ҳам ёкутранг деб қаралади.

**Ёруғлик кон-
трасти**

- ўзига ёнма-ён турган ранглар таъсирида ўзгариши.

**Ёруғлик
нурлари**

- кўп акс этса ранг оч тусда, кам акс этганда эса тўқ тусда идрок қилинади.

**Ёруғлик
шуъласи**

- ёруғлик нурларининг буюм юзасида жилваланиши, шуъласи.

-Ж-

Жайдариранг

- тасвирланаётган нарса, буюмнинг умумий ранги ёки якранг деб ҳам юритилади.

Жигарранг

- жигарнинг рангига ўхшаш рангларга жигарранг дейилади. Баъзи туркий халқларда қўнғир деб ҳам ишлатилади.

Жилвадор - рангдор. Рангларнинг тасвирий ва ифодали воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш асосида эришилади

Жило - силлиқлаш, сайқаллашда пайдо бўлган ялтираш.

-3-

Зарғалдоқ - спектр ранги, сарик ва қизил ранглар учун оралик ранг ҳисобланиб, уларнинг қоришмасидан ҳосил бўлган ранг.

Зарҳал - тилласимон ранг.

Заррин - сарик, тиник сарик. Қуёш нури маъносида ҳам ишлатилади.

Заъфарон - ранг тури. Сарик тивитлардан иборат бўлиб, сигарет тамакисини эслатади.

Зумрад - яшил тусли қимматбаҳо тош: чиройли товланиши, яхши жилваланиши, шаффофлиги билан ажралиб туради. Акварель бўёғи таркибидаги (Изумрудный зеленый) зумрадга зумрад ранг деб айтилади.

-И-

Ижод - янгилик яратиш жараёни.

Ижодкор - янгилик яратувчи, изланувчи.

Илик ранг - оловни, қуёшни, қизиган жисмларни эслатувчи. сарик, зарғалдоқ, қизил ва уларнинг аралашмасидан ҳосил бўлган ранглар.

Инкрустация - (лотинча – *incructo* – қават билан қошлаш) қошлаш йўли билан ҳосил қилинган нақш, қадама нақш, терма нақш.

Интарсия - инкрустациянинг бир тури, ҳар хил рангли ёғочлардан ишланадиган нақш, безак.

Интенсивлик - ранглarning зичлиги, тўйинганлиги, тўқлиги, равшанлиги.

-К-

Кадмий - кимёвий элемент, ялтироқ ва оқ металл, бўёқларга қўшиладиган модда. У ёрдамида ҳосил бўлган бўёқларга кадмий номи қўшиб айтилади.

Каолин - чинни лой. Хитойда биринчи бўлиб оқ чинни лойи топилган жой номидан олинган.

Кармин - қирмизи, қизил рангнинг бир тури.

Кобальт - кўк бўёқнинг бир тури, оч ҳаво ранг, тўқ ҳаво ранг ёки нилоби деб ҳам юритилади.

Колер - бўёқ, бирор жойга тайёрланган бўёқ.

Колорит - санъат асаридаги ранглар бирикмаси, уларнинг уйғунлашиб кўриниши.

Контраст - қарама-қаршилик, ранглarning ўзаро қарама-қаршилиги. Бир рангнинг ёнида иккинчи рангнинг янада ёрқинроқ, чиройлироқ кўриниши.

Кофурий - оқ ранг, поклик ва ҳалоллик белгиси.

Краплак - бўёқлари, қизил лавлаги рангига яқин ранг.

- Кулранг** - оқ ва қора ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган ранг тури.
- Кўк ахзар** - ахзарваш, осмон рангига ўхшаш ранг.
- Кумуш ранг** - кумуш рангига яқин, ўхшаш ранг.

-Л-

- Лаъли** - 1) ранг тури. - 2) ганч ўймакорлигида эшик тепасидаги тўртбурчак жой.
- Левкас** - тасвир ишлаш учун тайёрланган таглик.
- Лессировка** - сайқаллаш, пардозлаш каби рангтасвир услуби.
- Локал ранг** - нарса ёки буюмнинг асосий, етакчи ранги.
- Лола ранг** - лолагун, лола рангига яқин ранг.

-М-

- Мазок** - суртма, мўйқаламда кескин ва узиб-узиб ишлаш, бунда асосан мўйқаламнинг қоғозда, матода қолдирган характерли излари кўзда тутилади.
- Майолика** - (Мальорка оролининг қадимий Maiolica номидан) сиркор, рангли сопол.
- Маҳобатли рангтасвир** - бирор бинонинг пештоқ деворларига ишланган катта рангтасвир асари.
- Марварид** - зеб-зийнат буюми, инжу, дурнинг майдаси. Заргарлик ҳамда амалий безакнинг бошқа турларида кенг қўлланилади. Таркибида кўкимтир сарик бўлган оқ рангнинг товла-

нувчи кўринишига ҳам марварид ранг дейилади.

Мато

- рангтасвир асарини ишлашда фойдаланиладиган материал.

Миниатюра

- (итальянча *miniatura*, латинча *minium* қадимда кўлёзма китобларни безашда ишлатилган қизил ранг). Бу ном кўпинча безак ва тақинчоқларга туширилган тасвир, шунингдек ушқоқ тасвир деб ҳам юритилади.

Мисранг

- 1. Бир ёки иккала томони учли темир асбоб: қаттиқ нарсаларни, кўчириш, бузиш, тешиш ва шу кабиларда фойдаланилади.

-2. Бўёқ, кўкимтир сарик тусдаги ранг, таркибида сарик, кизил ранглар ҳам мавжуд.

-3. Кўкранг, мисни майдалаб, унга ўхшаш ҳолатга келтирилиб кулолчилик буюмларига сир берилади ва бу сирни кулолчиликда мисранг деб айтилади.

Мой

- одатда мой бўёқ шундай дейилади.

Мольберт

- (немисча *MalBrett*) - рассом дастгоҳи, анжоми.

Муалиф

- асар яратган шахс.

Мўйқалам

- қилқалам, рассомлар ишлатадиган ёзув ва тасвир қуроли.

Мужассамот

- композиция:

1. Санъат, адабиёт ва бошқаларда бадий асар, буюм ва ҳоказоларнинг тузилиши, таркиби ўзаро нисбати, уйғунлиги кабилар.

2. Меъморлик иншооти ёки қисмларини барпо этишда тасвирий ва амалий санъат турларида уларнинг гоёси ҳаракатлари ва вазифасига мувофиқ жойлаштирилиши, ўзаро

уйғунлиги ва мутаносиблиги.

Мушкфом

- қора ранг, кўпинча бадий адабиётда қора рангли мушкфом деб юритилади.

Мушгибель

- катта ўлчамдаги тасвирларни ишлашда қўлнинг тез толиб қолишидан сақлаш учун билакка боғланадиган мослама. Учида шарсимон тутқичи бўлади.

-Н-

Наққош

- нақшин безаклар асосида мўйқалам билан безаб ишловчи уста.

Наққошлик

- нақшин бадий безак ишлаш касби.

Нақш

- нарс ва жойларни безашда қўлланиладиган тасвир.

Нақшланган

- зийнатланган, безатилган, мунаққаш.

Наботий

- новвот рангини тожикча наботий дейилади. Амалий санъатда эса ўсимликсимон нақшга айтилади.

Натурщик

- (русча натурщик) натурачи, ўқув машғулотлари жараёнида тасвири ишланадиган одам.

Нилоби

- 1. Оч зангори ранг. Нил дарёси суви, нил дарёси ранги деган маънони ҳам англатади.
- 2. Кўк сўзи туркий сўз бўлиб, мовий осмонни эслатадиган оч зангори ранг дегани. Совуқ ранглarning бири сифатида қадимдан аждодларимиз нилоби рангини рамзий маъносида ҳам қўллаб «ёмон кўз»дан асраш рамзи деб ҳисоблаганлар.

Нилуфар

- (нилуфарий, фирузагун) кўк ранг, мовий ранг.

Ним сарик

NAMANGAN UNIVERSITY
markazi

бу нима кўшиқаси кўпчилиқ

17

2018
versiteti

ҳолларда оч маъносини беради.

- Нимоҳанг** - ним тус, ёруғ билан соя ўртасидаги тус.
- Норажваш** - апельсин рангига яқин ранг.
- Нофармон** - оч бинафша, олма гули ранги.

-О-

- Образ** - қиёфа, сиймо, ифода, талқин.
- Олачипор** - ранг номи, тасвирда рангларнинг тартибсиз берилиши.
- Олов ранг** - оташ ранг, олов рангига яқин илиқ ранг.
- Оралиқ ранг** - ранг доирасининг ташқи ҳалқасига сарик, яшил, кўкиш бинафша ва ҳоказо тартибда жойлашган ранглар.
- Осмоний** - мовий, ложувард, нилгун, ранг номи.
- Оч бинафша** - нофармон, олма гул ранги.

-П-

- Палитра** - (французча - palette) расм ишлаётган пайтда рассом бўёқларини қориштирадиган юпка мослама, тахтакач.
- Панно** - тасвирий ёки нақшин намоён, кўпинча хоналарни безатиш учун ишлатиладиган, шунинг-дек, ташвиқот ва тарғибот ишларида фойдаланиладиган рангтасвир асари
- Пастель** - рангли қаламча, бўр. Шу қалам ёрдамида

ишланган асарлар ҳам пастель дейилади.

- Пигмент** - турли бўёқлар кукуни.
- Пистоқи** - ранг тури, писта рангига яқин ранг.
- Плакат** - ташвиқот ва тарғибот мақсадларида ишланган расмлар.
- Пленерь** - очик ҳаво, табиат, муҳит, табиат манзараси, табиат кучоғида тасвирлаш.
- Полиптих** - (грекча polyptychos - кўп тахтакачлардан иборат) кўп қисмли, кўп лавҳали бир неча бўлақдан иборат асар: улар бир-бири билан композицион ечими ва ранги билан боғлиқ бўлади,
- Полотно** - бўз матога ишланган рангтасвир асари.
- Портрет** - образ, тасвир, нигор тасвир, маълум шахсининг жонли, образли қиёфаси, бадиий тасвири.

-Р-

- Рамзий нақш** - шартли безак: бирор ғоя, тушунча, ҳодиса ва шу кабиларни ифодалайди, эслатади.
- Ранг** - бирор нарсанинг ўзига хос бўёғи, туси.
- Ранг гармонияси** - ранг уйғунлиги, мутаносиблиги бир-бирига мувофиқланиши, ҳамоҳанглиги.
- Ранг ёркинлиги** - тўйинганлиги, рангнинг ёруғлик нурларини кўп ёки оз микдорда акс эттириш хусусияти.
- Ранг интенсивлиги** - рангларнинг зичлиги, тўйинганлиги, рангдорлиги, равшанлиги.

- Ранг тозалиги** - бирор рангнинг спектри тусига яқинлашиб бориши. Спектр ранглари энг тоза ранглар ҳисобланади.
- Ранг тони** - туси, вазминлиги, рангларни оғирлик ва енгиллик таассуротини уйғотувчи хусусият.
- Ранг туси** - кўриниши:
 1. Рангни, унинг бир-биридан фарқ қиладиган ҳар бир айрим турини билдирувчи сўз.
 2. Рангнинг характерли хусусиятларидан бири, яъни рангларнинг тўлқин узунлигига қараб аниқланадиган хоссаси.
- Ранглама** - тасвирий санъатда нарсаларнинг бўёқлар билан тез ишланадиган бир тури.
- Ранглар уйғунлиги** - ранг мажмуаси, рангларнинг бир-бирига мувофиқ тушиши, ўзаро уйғунлашуви.
- Рангларнинг вазминлиги** - рангларнинг қипсида оғир ва енгиллик таассуротларини уйғотувчи хусусияти.
- Рангларнинг тенглашув қонуни** - тенглик, рангларнинг ўзаро мувофиқлашув қонуни, тўлдирувчи ва қарама-қарши ранглар мисолида кўриш мумкин.
- Рангларнинг фазовий хусусияти** - ранг перспективаси, рангларни фазода жойлашуви, рангларнинг зичлиги, енгиллиги, оғирлиги, юзаларни узоклаштириб ёки яқинлаштириб кўрсатиш қобилияти, ранг нисбати - рангтасвирда нарсаларнинг очтўқлик даражаси ҳисобланиб, улар рангининг тус ва ёруғлигини натура билан мутаносибликда тасвирлаш.
- Рангшунос-** - ранглар ҳақида таълимотнинг ҳам назарий,

- лик** ҳам амалий томонларини ўрганувчи фан.
- Расм** - тасвир, шакл, текис юзада қўлда яратилади.
- Рассом** - мусаввир, сураткаш, ҳайкалтарош, наққош, тасвир ифодаловчи мутахассис.
- Ретушь** -1. Тасвир (позитив, негатив ёки диапозитив, фотосурат ҳамда умуман босма маҳсулот)ни туш, қалам, бўёқ билан тузатиш, тўғрилаш ва яхшилаш.
- 2. Махсус қалам.
- Рефлекс** - нарса ва буюмлар рангининг бошқасида акс этиши.
- Ритм** - такрорланиш, ранг ёки нақш унсурини маълум тартибда ва муайян ораликдан бир текис такрорланиши.

-С-

- Сабзаранг** - ранг номи, яшил ранг.
- Сайқал** - нарса сиртига берилган жило, пардоз, ишлов.
- Сангина** - (французча *sanguina* - қонли қизил) қон сўзидан ташкил топган атама. Рассомликда ишлатиладиган юмшоқ жигар ранг, қизил ранг кўринишидаги, каолин ва темир оксидидан ташкил топган бўрсимон қалам.
- Сандал ранг** - сандал дарахти номидан олинган бўлиб, бу ранг шифобахш ва хотиржамлик ранги ҳисобланади.
- Санъат** - арабча атама бўлиб, ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни бадий, образли тарзда акс эттирувчи маънавий маданиятнинг таркибий қисми.

- Санъатшунос** - санъат тарихи, назарияси ва унинг таракқиёти бўйича тадқиқот олиб борувчи мутахассис.
- Сепия** - жигарранг бўёқ. Шу бўёқда ишланган бадиий тасвир.
- Серранг** - ранг-баранглилик, хилма-хиллик, рангдорлик, турфа ранглик.
- Символ** - шарпа тасвир.
- Сирли кошин** - сирланган сополдан тайёрланган нақш.
- Совуқ ранг** - кўк, зангори, яшил, бинафша каби ранглар.
- Сомоний ранг** - сомон рангига ўхшаш сарик, тилласимон ранг.
- Соус** - юмшоқ қалам. Шу қалам ёрдамида ишланган тасвир ҳам «Соус» дейилади.
- Соя** - нарсаларнинг ёруғлик тушмайдиган қисмидаги кўриниши.
- Суюлтиргич** - бўёқни эритиш учун ишлатиладиган суюқ модда.

-Т-

- Таълаб сингдириш** - буюмларнинг спектрдаги барча ранглари ютиб, бирортасини қайтариш хусусияти.
- Тасвирий санъат** - нарса ва воқеаларни тасвирловчи санъат тури.
- Терракота** - (италиянча – terracotta - куйдирилган ер) рангли сирланмаган сопол, сопол ҳайкалчалар, сополлак.

- Тус** - рангнинг кўриниши, оҳанги.
- Тушь** - қора сиёҳ. Шу восита билан ишланган асар ҳам тушь дейилган.
- Тўлдирувчи ранг** - иккита ранг аралашмасининг натижаси. Тўлдирувчи ранг тусидан қўшимча ранг туслари ҳосил бўлмайди.

-Ф-

- Фактура** - бирор нарсанинг ташқи кўриниши, сатҳи, юзанинг юмшқоқ, қаттиқ, ялтироқлигига айтилади.
- Фаянс** - ярим чинни, ясама, сунъий, ёлғон чинни номини ҳам олган.
- Флейц** - қатта япалоқ мўйқалам, чўтка.
- Фон** - орт кўриниш, замин.
- Фреско** - деворий рангтаъсир тури.

-Х-

- Хаттоғ** - хуснихат, чиройли ёзадиган ва нақш ишлайдиган шахс.
- Хроматик контраст** - бирор ранг тусининг у билан ёнма-ён турган ранг таъсирида ўзгариши.
- Хроматик ранглар** - муайян ранг тусига эга бўлган бўёқ: кизил, кўк, яшил ва ҳоказо.
- Хроматик сирт** - ўзида хроматик ранг тусларини акс эттирган сирт. У танлаб сингдириш қобилиятига эга.

-Ш-

- Штрих** - чизик, чизги.
- Шуъла** - нур.

-Э-

- Экспозиция** - кўрсатиш, кўргазма, ёйма. Танланган тартиб билан жойлаштирилган музей, кўргазмага қўйилган буюмлар, санъат асарлари.
- Этюд** - ўрганиш, машқ қилиш. Этюд санъатнинг ҳамма турида мавжуд. Тасвирий санъатда эса рассом изланишлари, машқлари, нарсаларнинг ўзига, аслига қараб, одатда бирор катта асар яратиш учун ашё бўлиб хизмат қиладиган дастлабки тасвир.
- Этюдник** - рассомларнинг ўқиш-ўрганиш учун ичига мўйқалам, бўёқ қалам, палитра ва қоғозларига сақланадиган қутиси. У дастгоҳ вазифасини ҳам ўтайди.

-Я-

- Якранг** - бир рангда бажарилган санъат асари.
- Яримсоя** - ним соя, нарсаларда ва тасвирда ёруғ билан соя ўртасидаги қисм.
- Яшил** - спектр ранги, унинг баргикарам, пистоқи, барг рангига яқин ранг туслари ҳам мавжуд.

Ўймакорлик - ёғоч, ганч, металл, тош, суяк каби материалларга ўйиб, йўниб, тирнаб, бўрттириб ва қолип ёрдамида нақшлаш ёки тасвирлаш санъати.

Ўсмажўшак - ўсма эзиш ва қош бўяш учун ишлатиладиган мис идишча, баъзида турли бўёқлар тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Бу идишча уч оёкли ҳамда дастали, узум баргли ва бошқа шаклдаги хиллари бўлиб, ислимий нақшлар билан безатилган бўлади.

Қўшимча ранглар - қизил, сарик, ҳаво рангларни қўшиш орқали ҳосил бўлган ранглар, яъни асосий рангларни аралаштирганда ҳосил бўладиган омукта ранглар.

Қизил - асосий ранг, спектр ранги, қон рангига яқин ранг.

Қизил кесак - 1. Тупроқнинг бир тури. Ганч ўймакорлигида бўёқ сифатида ишлатилади. Чунончи, рангли ганч тайёрлашда гулганч ёки тезганчга майдалаб, элакдан ўтказиб қўшилади.
2. Тупроқнинг бир тури, ранг номи, шу тупроқнинг қуқуни асосида тайёрланган бўёқ ва унинг номи.

Қирмизи - қизил рангнинг бир тури.

Қурок - турли рангдаги мато, қоғоз парчаларидан ясалган шакл, тасвир. Капиталдўзликнинг махсус тури бўлиб, у ўзига хос тайёрлаш жараёнига эга.

Ҳал

- турнж, амоний жез, рух, қалай, кумуш ҳамда олтиндан тайёрланган кукун, бўёқ кукун. Буюмларга жило бериш, безакларни жозибали қилишда фойдаланилади. Заргарлик, миниатюра, наққошлик ва меъморликнинг қисмларида безакка жуда юпқа қилиб ҳалнинг бир тури зарҳал (олтин суви) юргизилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Булатов С.С. Аширова М.О. Амалий санъат қисқача лугати. Т., Қобуслар Бош таҳририяти, 1992.
- Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., «Меҳнат» 1991.
- Норматов Н. Камалак яшайдиган уй. Хужжатли қисса. Т., «Юлдузча», 1990.
- Набиев М. Рангшунослик ва рангасвир технологияси. Т., «Ўқитувчи», 1995.
- Претте М.К. Капальдо А. Творчество и выражение 2. М., Советский художник 1985.
- Умаров А., Ахмедов М. Тасвирий санъат атамаларнинг изоҳли лугати. Т., «Ўқитувчи» 1997.
- Ҳасанов С. Навоий поэтикасида рангларнинг қўлланилиши. Санъат журнали 1/1990, 26-27 бетлар.

**Ботир Фуломович
Жаббаров**

*Рангшуносликка оид айрим
атама ва ибораларнинг изоҳли
лугати*

2001 йил 10 майда теришга берилди 2001 йил 18 майда
босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 1 б/т.
Адади 300 нусха. Буюртма № 36/15.05.2001.
Баҳоси келишилган нархларда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси.
Матбуот уйи, 3-қават.

«Фахризода» кичик корхонасида чоп этилди.
Дўстлик шоҳкўчаси, 23 уй.

